

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

261 «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1732-2

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 5 сентябрдаги 01-02/12-27, ЭГ-01/10-3960, 33-сон «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1732, 2007 йил 22 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 438-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 29 августдаги 01-02/12-28, 2015/10-6, 99-сон «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1732-1, 2015 йил 11 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 36-сон, 483-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 март,
01-02/12-9-сон

М. ТОХИРИЙ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2017 йил 30 март,
2017/10-4-сон

Э. ҒАНИЕВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 30 март,
126-сон

Г. САИДОВА

Келишилган:

Молия вазири

2017 йил 30 март

Б. ХОДЖАЕВ

Марказий банк раиси

2017 йил 30 март

Ф. МУЛЛАЖОНОВ